



ИЛМ-ФАН ЮКСАЛИШИДА ИЛМИЙ-МАЬНАВИЙ МЕРОСНИНГ АҲАМИЯТИ

Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович
фалсафа фанлари номзоди, доцент
Фаргона давлат университети

Аннотация

Мазкур мақолада мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий жараёнларини таҳлил қилишда илм-фаннынг ўрни масаласи ҳамда фаннинг интеграциялашуви корхона ва ташкилот раҳбарларининг сиёсий тақақкурини оширишда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таҳлил қилинади. Шунингдек, жаҳон илм-фани тарихида чуқур из қолдирган улуғ аждодларимиз ўзларидан жуда катта илмий-маънавий мерос қолдирганликлари тўғрисида маълумот берилади.

Калит сўзлар:

илм-фан, интеграция, ақл ва тафаккур, баҳт-саодати, фаровонлик, комил инсон, Куръони карим, хадис, ислом, илмий қадрияtlар, сўз эркинлиги, матбуот, виждан эркинлиги, борлик, гносеология, интеллектуал, жамият, табиат.

Илм-фан жамиятни ўрганиш жараёнида мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий негизини таҳлил қилиб боради. Фаннинг интеграциялашуви корхона ва ташкилот раҳбарларини, барча тоифадаги мутахассис ва ходимларни иқтисодий ва сиёсий тафаккурини илмий асосда шакллантиришга кўмаклашади ва унинг афзаллик томонларини очиб беради.

Хар бир юксакликка эришган мамлакатлар илм-фани дунёда хеч кимдан кам бўлмаган даражада ривожлантириш йўлида жуда катта ишлар олиб борганлар. Қадимдан Марказий Осиёда илм-фанга эътибор қаратилган бўлиб, у ўз даврида (IX-XII асрларда) юқори чўққига кўтарилиган. Айни кунларда Ўзбекистон ҳам илм-фани ривожлантириш йўлида бир қатор ишларни амалга ошираётганлиги фикримизнинг далилидир. Демак, “Бугунги кунда дунёда инновация фоясиз, илм-фан ютуқларсиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас”[1.85].

Инсон ўз ақли ва тафаккурига таянган кундан бошлаб, илмга, билишга бўлган муносабат ва интилиш кучайиб борган. Асрлар давомида сайқалланиб қелаётган илмнинг фазилати унинг эгалари ҳақида қанча гапирсак ҳам адогига етолмаймиз. “Чунки, дунёда ҳам, охиротда ҳам инсонга илмдан кўра кўпроқ фойда келтирадиган нарса йўқ”[2.41]. Шунингдек, Куръони каримда илк нозил бўлган оят (“Ўки”)да ҳам ўқишга, билимга, илмга амр бўлганлиги қўрсатиб ўтилган. Шунинг учун ҳам “Илмни лозим тутиш, унга муҳаббат қилиш, унга бутун вужуди билан берилиш ва илмни зиёда қилиш учун доимо харакатда бўлиш”[3.41] бугунги куннинг долзарб вазифаларига айланган. Исломшунос олим Убайдулла Уватов таъкидлаганидек, “Ислом дини диёrimizda қарор топгандан кейинги даврдаги илм-фан ва маданият тараққиёти алоҳида бир босқични ташкил қилиб, у бевосита исломий илмлар билан чамбарчас боғлиқдир”.

Инсоният тарихий ривожланиш жараёнида жамиятнинг салоҳияти, равнақи, тараққиёти унинг илмга бўлган муносабатида кўринган. Қайси жамиятда илмга бўлган муносабат сусайиб борган бўлса ёки жамият аъзолари фикрлашдан тўхтаса, ўша жамият тараққиётдан орқада қолган. Энг асосийси маънавий инқирозга юз тутган.

Жаҳон илм-фани тарихида чукур из қолдирган улуғ аждодларимиз ўзларидан жуда катта илмий-маънавий мерос қолдиранлар. Улар ўзларининг ўлмас асарларида илм-фаннынг аҳамияти, хосияти, куч-кудрати ҳақида қимматли гояларни илгари сурганлар. Жумладан, XI асрда яшаб ижод қилган буюк ватандошларимиз Юсуф Хос Хожибининг “Кутадғу билик” (“Саодатга элтувчи билим”), Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк”, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бедил сингари мутафаккирларнинг илмий-фалсафий асарларида инсон баҳт-саодати, фаровонлиги фақат илм шарофатидан, барча баҳтсизлик ва кулфатлар эса илмсизлик, жаҳолат туфайли эканлигини далиллар билан исботлашга ҳаракат қилганлар.

Ўрта асрлар Шарқ фалсафасида комил инсон даражасига етиш учун аввало илмли бўлиш кераклиги уқтирилиб, муқаддас Қуръони Карим, ҳадислар ва ислом илми намояндалари таълимотларида илм-маърифатга асосий қадрият сифатида қаралади. Қуръони Каримнинг “Зумар” сураси 9-оятида “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!”; “Мужодала” сураси 11-оятида “Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зодларни (баланд) даражага (мартаба)ларга кўтарур”, дейилган бўлса, Оли-Имрон сураси 18-оятида Аллоҳ ўзининг ягоналигига фаришталар қаторида илмли кишиларни ҳам гувоҳ қилган. Исломда Аллоҳни таниш орқали ўзини билиб бориш асосий илм йўли ҳисобланган.

Ҳадисларда таълим-тарбия масалалари оддий инсоний муносабатлар тизимида берилиб, улар инсон руҳияти, маънавиятига ўта яқинлиги билан ажralиб туради. Ҳадислар ҳам Қуръони Карим каби ислом дунёсида шаклланган ҳақиқат ва маърифат, дунёвий маданият ҳамда ижтимоий тараққиётнинг ажralmas қисмидир. Демак, Исломда илм энг аввало, имон, эътиқоддир. Имон билан илм эгизак. Ҳар қандай илмли одам ўз илмига амал қилиши, илмидан келиб чиқиб, кишиларга тўғри йўлни кўрсатиши, маслаҳат бермоғи лозим. Ҳадисларда илмни қадрлаш, унга содиқлик, фидойиликка катта эътибор берилади.

Муқаддас динимизда илм олишнинг фарзлиги, илм аҳлининг улуғланиши ўрта асрлардаёқ ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланган юртимизда Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккирлари етишиб чиқиши учун рағбат бўлди. Бутун жаҳон ватандошларимиз – араб грамматикаси асосчиларидан бири, лугатшунослик жўғрофия, тафсир, ҳадис, фиқҳга доир 50 дан ортиқ асарларнинг муаллифи аз Замахшарий, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган Мусо ал-Хоразмий, алгебра фанига асос солган Алт-Хоразмий, ўша даврлардаёқ асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиқсан Аҳмад ал-Фарғоний, дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги гояларни таклиф этган Абу Райхон Беруний, инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири унвонига сазовор бўлган Абу Али ибн Синоларнинг номларини яхши билади.

Маърифатпарварлик – кенг ҳалқ оммасини илм-фани севишга, билимли ва донишманд бўлишга даъват этувчи ижтимоий ғоя ва ҳаракат сифатида жуда узоқ тарихга, ривожланиш босқичларига эгадир.

Марказий Осиёдан етишиб чиқсан улуғ маърифатпарварлар (Алишер Навоий, Паҳлавон Махмуд, Муқимий, Фурқат, Анбар Отин, Аваз Ўтар, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода ва бошқалар) диннинг жамият

ва шахс ҳаётидаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда дунёвий илм-фанининг яшаш ва ривожланиш хуқуқини ҳимоя қилдилар. Улар фақат дунёвий илм-фангина ўлкани колоқлик ва қашшоқлиқдан, маҳдудлик ва жаҳолатдан халос қилиши мумкинлиги бўйича илмий асосланган фикрларни билдиришиди. Жумладан, Алишер Навоий илм-фани мамлакат фаровонлиги, иқтисодий салоҳияти, халқнинг турмуши, маданияти, тафаккур тарзи ва дунёқарашининг юксалишидаги ўрнини замондошлиридан чуқурроқ англай билган.

Турли тарихий даврларда яшаб ўтган улуғ алломаларнинг илмий тафаккури ўз даври савиясидан шу қадар юксакликка кўтарилганки, ҳатто ҳозиргача улар ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Буюқ аждодларимизнинг қарашлари, ғоялари, орзу-умидлари ўз ифодасини топган илмий асарларга ҳурмат билан қараш, уларни қадрлаш, ғояларини ҳаётга татбиқ этиш ҳар бир инсоннинг маънавий салоҳияти қай даражада эканлигини қўрсатувчи ўзига хос мезон ҳисобланади. Жумладан, “Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз, бундай улуғ зодларнинг ҳаёт йўли ва қолдирилган меросини тўлиқ тасвиrlаш эмас, балки уларнинг энг буюқ намоёндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини исботлаб беришдан иборат”[4.44].

Дунёвий илм-фан ва Ислом таъсирида не-не тафаккур даҳолари, чинакам миллатсевар, ватанпарварларни дунёга ҳадя этган буюқ Туркистон халқлари Аллоҳ олдида шоху гадо тенгдир, сахийлик, ҳалоллик, инсоф ва адолат каби умуминсоний ахлоқий фазилатлар муқаддасдир деб, диёнат, инсоф, адолатни қадрлаганлар. Ҳаётда диний қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катталиги асрлар давомида исботланган.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида маънавий қадриятларидан баҳраманд бўлиш, илм-фанин қадрият сифатида англаш, жаҳон илм-фани равнақига муносиб ҳисса қўшган улуғ алломаларни эъзозлаш, қадрлаш имконига эга бўлиб бормоқдамиз. Шунингдек, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ҳам халқимиз маънавий салоҳиятини юксалтиришга, илм-фанин равнақ топишига қаратилганлиги билан алоҳида ажralиб туради.

Сўнги йилларда олимларимиз фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютукларни кўлга киритдилар. Табиий фанларнинг асосий соҳалари – астрономия, физика, математика, кимё, биология, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа жабҳаларда жаҳон миқёсида қизиқиш уйготадиган натижаларга эришилди [1.168]. Бу эса бевосита илмий қадриятларни (фанларни) яна ҳам ривожланиб, такомиллашиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўқув муассасалари хоҳ хусусий, хоҳ давлат ўқув юртлари бўлишидан қатъи назар, ўз олдига эзгу мақсадни – ёшларга фан асосларини, фан янгиликларини сингдиришни, ёшларда илмий тафаккур ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Таълим муассасаларининг асосий мақсади – рақобатларга бардош бера оладиган, ўз ихтинослигини пухта биладиган, мустақил фикрга эга бўлган комил инсон шахсини вояга етказишидир. Фан-техника ва инфомрация асрида яшаётган ҳар қандай мутахассис фан асосларини пухта эгаллаш орқалигина бирон-бир муваффакиятларга умид боғлаши мумкин. Шу билан бирга илм-фан билан шуғулламоқчи бўлган инсон, энг аввало, назарий билимга эга бўлиши ва ашёларнинг моҳиятини идрок қилиши керак. Бундан ташқари, у (яъни илм билан шуғулланувчи, А.Қ.) камтар, тарбия кўрган, бойлика берилмаган инсон бўлиши лозим.

Илм-фан таълим-тарбия ва илмий муассасаларга муқаддас даргоҳ сифатида қарашни, уни қадрлашни, авайлаб асрашни тақозо этади. Шунингдек, илм-фан комил

инсон шахсини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб, таълим жараёнида кишиларда ижобий ахлоқий сифат ва фазилатларни ривожлантиради. Илм-фан истеъдоднинг намоён бўлиши, шу билан бирга, жамият, табиат ва тафаккур тараққиёти қонунларини қашф этиш, эгаллаш, борлиққа гносеологик, интеллектуал ёндашиш малакасини таркиб топтиришга, жамиятнинг илмий салоҳиятини оширишга самарали таъсир этиши ҳамdir. Шу маънода илм-фан кишиларда назарий фикрлаш қобилияти ва истеъдодини, оламнинг тараққиёт қонунларини ўрганишга эҳтиёжини қондиришдан манфаатдорлик туйғусини рўёбга чиқариш, илмий-маънавий меросни чуқур ўрганиш, янгилик ва қашфиётлар яратишга даъваткор ғоялар, фундаментал асарларни таҳлил қилишга чорлайди.

Илм-фанни қадрият сифатида англаш, аввало, илмий билимлар ва фаннинг жамият ва шахс ҳаётидаги буюк яратувчилик қудрати, ҳалоскорлик вазифасини теран англаш, илмий билимларнинг, фаннинг тараққиёти шахс эркинлиги, сўз, матбуот ва виждан эркинлиги билан, демократик қадриятларнинг қарор топиши билан боғлиқлигини англашни талаб этади.

Хуллас, илм-фан илмий қадрият сифатида саноатлашган жамият маънавий қадриятлари тизимида етакчи мавқега эга бўлади, таянч қадрият сифатида ривожланади. Илмий қадрият асосида маънавий қадриятларнинг барча элементлари (ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, бадиий, фалсафий қадриятлар ва ҳоказо) интеллектуаллашади ва яхлит тизимни ташкил этади.

Айниқса, фан-техника инқилоби шароитида фан этикаси, олим масъулияти илмий қадриятларнинг туб асосини ташкил этади. Бугунги кунда Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида илм аҳлларининг юксак фуқаролик позицияси, илм-фан ривожи йўлидаги фидойилиги, ватан ва ҳалқимизга садоқати сингари фазилатлари кенг кўламда намоён бўлмоқда. Шунингдек, улар яратган бекиёс бой илмий-маънавий меросни эътибор билан ҳар томонлама ўрганиш, холисона талқин этиш ва ундан самарали фойдаланиш, жамият ривожини маънавий жиҳатдан таъминлаш, ижтимоий фаол барқамол инсон шахсини шакллантириш каби муаммоларни ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 1.т. 2017. Б- 85, Б- 168
2. Алимов У. Илмнинг фазилати. –Т.: Мовароуннахр. 2010. Б- 41
3. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. –Т.: Ҳилол нашр. 2018. Б- 368
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 44.
5. Axadjonovich, Q. A. (2020). The Necessity Of Educating An Enlightened Generation Through The Transformation Of Scientific And Religious Values. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(10), 333-338.
6. Gulomov, A. (2019). PARTICIPATION AND ROLE OF UZBEKISTAN IN FINDING SOLUTIONS TO GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(5), 152-156.
7. Abdinazarovich, R. D., Abdullajonovna, Y. K., Ahadjanovich, Q. A., Bakhromovich, G. A., & Juraevna, N. N. (2020). THE ROLE OF SOCIAL SERVICE IN THE PROTECTION OF HUMAN INTERESTS. *Journal of Critical Reviews*, 7(6), 1263-1267.